2014 йил 18 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (12.638)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ** БИР КУНИ

***«Ўзэкспомарказ»да «Дам олиш дунёси» халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси очилди.***





Аъзо Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Халқаро кўргазма

## «ДАМ ОЛИШ ДУНЁСИ»ГА МАРҲАБО

Анжуман «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилди. Тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, дипломатик корпус, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Фаррух Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Юртимизнинг гўзал табиати, муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ва файзли гўшалари дунё сайёҳларини ўзига ром этмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик муҳити, замонавий меҳмонхоналар ва юксак сифатли хизмат уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда. Хусусан, 2013 йилда мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 2012 йилдагига нисбатан қарийб йигирма фоиз ошди.

Бугунги кунда юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, шунингдек, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби кўплаб турлари ривожланмоқда. Тўққиз юздан зиёд сайёҳлик корхонаси, жумладан, 430 меҳмонхона, 530 дан ортиқ сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Дам олиш туризми бутун дунёда талаб юқори бўлган соҳалардан биридир. «Дам олиш дунёси» халқаро кўргазмаси Ўзбекистонда баҳор-ёз сайёҳлик мавсумини очиб берадиган ўзига хос лойиҳа бўлиб, хорижликларни мамлакатимиздаги дам олиш масканларига жалб қилиш ва юртдошларимизнинг чет элга саёҳатини уюштириш, ички туризмни ривожлантириш масалаларига йўналтирилган. Кўргазма маҳаллий ва хорижий туроператорларнинг янги сайёҳлик мавсуми олдидан ўз маҳсулот ва хизматларини илгари суриши, корпоратив мижозлар билан шартномалар тузиши, таътил мавсумига оид режалар ишлаб чиқиши учун қулай имконият яратади.

Иккинчи бор ўтказилаётган ушбу халқаро кўргазмада ўттиздан ортиқ хорижий сайёҳлик компанияси вакиллари иштирок этмоқда.

– Бугунги кунда Ўзбекистон сайёҳлик бозори ғоят истиқболли бўлиб, тобора ривожланиб бормоқда, – дейди Сингапурнинг «I-Asia» туристик компанияси ижрочи директори Эрик Яп. – Мамлакатингизда сайёҳликни жадал тараққий эттириш ва бу борада ҳамкорлик қилиш учун ғоят катта имкониятлар мавжуд. Компаниямиз Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида икки томонлама сайёҳлик алмашувини йўлга қўйиш ниятида. Зотан, бунинг учун ҳар икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжуд. Айниқса, яқинда Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилгани сайёҳлик борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Ушбу кўргазмада мамлакатингизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан яқиндан танишиш, бу борада Ўзбекистон сайёҳлик фирма ва компаниялари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишни мақсад қилганмиз.

Мамлакатнинг сайёҳлик имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ҳар қандай янги маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижий сайёҳларга тақдим этиш юқори самара беради. Мамлакатимизда янги тарихий-археологик боғлар, йўллар ва хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилиб, аҳоли учун қулай туристик маршрутлар ишлаб чиқилаётгани натижасида ички туризм жадал ривожланмоқда. Ҳар йили миллионлаб юртдошларимиз мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР — ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

***Мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, юрт тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлодни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида «Замонавий божхона тизимида ёш кадрларнинг ўрни» мавзусида ташкил этилган илмий конференцияда шулар ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда Президентимиз раҳнамолигида билимли, юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг миллий тизими шакллантирилгани ўз самараларини бераётгани таъкидланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси доирасида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос таълим тизими шакллантирилиб, замонавий билим масканлари барпо этилди.

Соҳага йўналтирилаётган инвестициялар давр талабларига мос давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ишлаб чиқилгани ва жорий этилаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари ва интерфаол усуллари кенг қўлланилаётир. Таълим муассасаларида турли ўқув адабиётлари фондига, жумладан, электрон қўлланмаларга эга ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси ёшларга сифатли билим бериш, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йилда ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институтида мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлиги ва манфаатларини муҳофаза этадиган етук божхоначи кадрлар тайёрланмоқда. Бу ерда ёшларнинг божхона иши ва юриспруденция мутахассисликлари бўйича замонавий билимларни чуқур эгаллаши, юқори малака ва амалий тажрибага эга бўлиши учун барча шарт-шароит яратилган. Айни вақтда институтдаги ихтисослашган ўқув хоналари, лабораториялар, амалий машғулот майдончалари, кутубхона, спорт мажмуаси тингловчилар ихтиёрида.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари, Солиқ академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув юртлари тингловчилари иштирок этган тадбирда ёшлар ҳуқуқи, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлиги, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**«MOODY'S»:**

## ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

***«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан 2014 йил 15 апрель куни нашр қилинган «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари» янги ҳисоботига мувофиқ Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболлари кетма-кет бешинчи йил «барқарор» деб тасдиқланди.***

«Moody's» агентлигининг фикрига кўра, «барқарор» прогнози Ўзбекистон иқтисодиётининг, шу жумладан, иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар йўналтирилиши ҳисобига, юқори суръатларда ўсаётганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг ўсишини таъминловчи манба ҳисобланган Ўзбекистон банкларининг барқарор даромадлари банк тизими ривожланиши истиқболларига ижобий таъсир қилувчи муҳим омиллар қаторига киритилмоқда.

Агентлик томонидан Ўзбекистонда охирги 10 йил мобайнида юқори иқтисодий ўсиш даражаси таъминланганлиги ҳамда мамлакатимиз экспорти таркибининг МДҲдаги бошқа давлатларга нисбатан диверсификацияланганлиги ҳисобига иқтисодий ўсиш суръатлари ўзгарувчанлигининг сезиларли даражада паст бўлгани таъкидланмоқда.

Шу билан бирга, «Moody's» агентлиги Ўзбекистон банклари активлари сифатининг барқарор динамикасига эътибор қаратиб, капитал инвестициялар соҳасидаги ижобий ҳолат активлар сифатининг юқори даражада сақланиб қолишига асос бўлишини қайд этди.

2013 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари умумий миқдори 30 фоиз, охирги беш йилда эса ушбу кўрсаткич 3,6 баробар кўпайган.

Банк тизими капиталлашувини ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар банклар жами капиталининг охирги беш йилда 3,5 баробар, 2013 йил давомида эса 25,1 фоиз ошишини таъминлади. Банк тизими капитали етарлилик даражасининг ушбу кўрсаткичи умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқоридир.

Рейтинг агентлигининг фикрига кўра, 2014-2015 йиллар давомида кредитлаш ҳажмининг йилига 20 фоизга ошиши шароитида капитал етарлилигининг жорий коэффициентини сақлаб қолиш учун «Moody's» рейтингига эга бўлган Ўзбекистон банклари келгусида капитални қўшимча ошириш бўйича чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Ўзбекистон банкларининг жорий ликвидлик даражаси банк тизими барқарорлигини баҳолашда муҳим омиллардан бири бўлиб, қатор йиллар давомида 65 фоиздан юқори, яъни белгиланган минимал даражадан 2 баробар юқори миқдорни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик субъектлари депозитлари ва аҳоли омонатлари, шунингдек, молиялаштиришнинг бошқа манбалари келгусида банк тизими ликвидлилигини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, тижорат банкларидаги депозитларнинг умумий ҳажми охирги беш йилда 4,1 баробар, 2013 йилда эса 30,2 фоиз ошган.

«Moody's» агентлиги томонидан прогноз даврида Ўзбекистон банкларининг ликвидлик ва даромадлилик кўрсаткичларининг барқарор даражада сақланиб туриши кутилмоқда.

Умуман олганда, «Moody's» агентлигининг таъкидлашича, 12-18 ойни ташкил этувчи прогноз даврида мамлакат иқтисодиётининг юқори ўсиш суръати банклар учун қулай амалиёт муҳитини таъминлайди.

**(ЎзА)**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг фаолияти мониторинги ҳамда маҳаллий кенгашлар сайловига оид қонунчилик» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**

**● Жиззах политехника институтида «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» ва «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси ҳамда соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

**● Навоийда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари – болаларга!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танлов ўқувчиларнинг солиқ соҳасига оид билимларини янада бойитишга хизмат қилаётир.**

**● Бухоро шаҳрида одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ижроси доирасида вилоят комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.**

**● Термиз шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят давлат марказий ўрмон хўжалиги ҳамкорлигида асал байрами ва савдо ярмаркаси ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Литва парламенти томонидан кўпчилик овоз билан мамлакатда еврони муомалага киритиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Янги валютага 2015 йилнинг январь ойидан, яъни Литва Европа Иттифоқи таркибига киришни режалаштираётган пайтдан бошлаб ўтилади.**

**● Тожикистоннинг Шўробод, Ҳамадоний, Восе ва Хуросон туманларида тинмай ёққан ёмғир ва сув тошқинлари натижасида юзлаб уйлар вайрон бўлган, электр узатиш тармоқлари ва автомобиль йўлларига шикаст етган. Табиий офат натижасида ҳаётдан кўз юмганлар сони ўн етти кишига етган бўлиб, улардан олти нафари вояга етмаган болалардир.**

**● Кеча Ироқнинг Мосул шаҳридан бир оз нарироқда жойлашган ҳарбий базага террорчиларнинг ҳужум уюштириши натижасида ўн уч нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, ўн етти нафари эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**● Кеча Тель-Авив шаҳридаги Оймомо боғида улкан ўйингоҳнинг шикастланиши натижасида йигирма битта бола жароҳатланди, улардан ўн бир нафари касалхонага ётқизилди.**

**● Непал альпинистлар уюшмаси маълумотларига кўра, жаҳондаги энг баланд тоғ чўққиси Эверестда қор кўчкиси натижасида беш нафар альпинист қор тагида қолиб кетган, яна бир нечтаси эса тан жароҳати олган.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида «Обод юртнинг бахтли қизлари» мавзуида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **БУГУН** Бектемир туманидаги 292-умумий ўрта таълим мактабида шаҳар мактаблари психологлари ва касбга йўналтирувчилари учун «Ҳар бир ўқувчи етук мутахассис» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Мақсадимиз — қонун устуворлиги асосида хизмат қиладиган юксак маънавиятли малакали кадрлар тайёрлаш» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

## Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

***2011 йили пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Ёркин ҳаёт маҳалласи ҳудудидаги 12 гектарлик қаровсиз ерда боғ барпо этиш ташаббуси бошланган эди. Боққа ҳашар йўли билан экилган олча, шафтоли, олма каби мевали дарахтлар бу йил илк нишона кўрсатди.***





# ОБОД ВА ОЗОДА МАҲАЛЛАЛАР

– Ушбу боғдан кўриладиган фойда маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш, тўй ва маросимларни ўтказишга сарфланади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Худойбердиев. – Жорий йилда ҳудудимизни янада ободонлаштириш учун бир ярим минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқаздик. Шу билан бирга, минг тупдан ортиқ ранг-баранг гул ниҳоллари парваришланмоқда.

– Ободлик ҳар бир кишининг ўзи яшаб турган уйи, маҳалласидан бошланади, – дейди 80 ёшли Хайриддин Ҳожибеков. – Одамлар аҳил-иноқ яшаган жойда орасталик, файз-барака бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада бойитиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бунинг амалдаги самаралари юртимиздаги ҳар бир маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, турар жойларни тоза сақлаш, йўллар ва кўчалар озодалигини таъминлаш борасидаги юмушларда намоён бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 6 мартдаги фармойиши мазкур саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлаётир. Унга мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Айни вақтда 195 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Сергели туманидаги 33 маҳаллада аҳоли турар жойлари, кўчалар, муассаса ва ташкилотлар атрофига 6 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати, 12 минг тупдан ортиқ мавсумий ва кўпйиллик гул кўчати экилди. 17 мингдан зиёд манзарали дарахтга шакл берилиб, оқланди. Айни пайтда экилган ҳар бир кўчатнинг бир текис ўсиши назоратга олинган.

– Ободонлаштириш ишлари туфайли маҳалламиз тобора чирой очмоқда, – дейди Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллада яшовчи Тоҳир Раҳимов. – Йўл бўйлари кўкаламзорлаштирилиб, кўп қаватли уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилаётганидан барча мамнун. Бу болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, шу асосда саломатлиги ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Кўп қаватли уйларда баъзан йўлаклар қаровсиз қолиш ҳоллари кузатилади. Таъкидлаш жоизки, 8 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳалла ҳудудидаги уйлар бўялган, атрофи ораста, лифтларнинг бенуқсон иши таъминланган. Шунингдек, қўриқланадиган олтита чиқиндихонанинг самарали ишлаши доимий жамоатчилик назоратида.

Маҳаллада аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш борасида ҳам ибратли ишлар олиб борилаётир. Оилалар ўртасида тиббий, ҳуқуқий, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, «Намунали уй», «Намунали йўлак» каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказилади.

– Ҳар ҳафта шанба ва якшанба кунлари аҳоли ҳудудни ободонлаштириш ишларига жалб этилаётир, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилором Ҳайдарова. – Натижада кўчалар ва уйлар атрофини тоза сақлашга эришилмоқда. Иситиш ва оқава сув тармоқлари тўлиқ таъмирланди.

Тумандаги маҳаллаларда эзгу ният билан томорқасида қўшимча даромад манбаи яратиб, ўғил-қизларига деҳқончилик сирларини ўргатаётган, ҳалол меҳнати билан фаровон ҳаёт кечираётган оилалар кўп.

– Тўққиз сотих ерда иссиқхона барпо этиб, помидор, бодринг, гул кўчатлари парваришламоқдамиз, – дейди ЎзА мухбирига Нўғай қўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи Абдували Азизов. – Мавсумда 10 минг донадан зиёд гул кўчатини буюртма асосида етказиб бердик. Тез орада сабзавотларни сотувга чиқарамиз.

Дарҳақиқат, мазкур маҳаллада гул ўстиришга меҳр қўйган оилалар кўплаб учрайди. Масалан, Б.Пўлатовлар хонадонидаги бир сотихдан иборат иссиқхонада тувакда ўсадиган манзарали гулларнинг кўплаб тури етиштирилади. Л.Ёрмуҳамедовлар манзарали гуллар билан биргаликда атиргул кўчатлари етказиб бериш билан шуғулланади.

Халқимизда «Сариштали уй – фариштали уй» деган нақл бор. Ота-боболаримиз азалдан ўз юртини обод қилиш, ҳовлисини, маҳалласини тоза сақлашдек эзгу ишга алоҳида эътибор қаратган. Зеро, тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, аҳиллик бўлган жойдан файзу барака аримайди. Одамлар бугунидан маъно топиб, эртанги кунига ишонч билан яшайди.

**Сайёра ШОЕВА**

# БОҒДА ЯНА БИР БАҲОРИЙ ТАДБИР

***Бугунги кунда табиатнинг энг ёрқин ранглари билан жилоланган юртимизда файзу таровот билан Наврўз нашидаси кезиб юрибди. Жумладан, ўзида баҳорнинг чиройи, тароватИ, хушбўй ҳидларини мужассам этган пойтахтимиздаги «Ботаника боғи»да 19 апрель куни «Наврўз, келажак ниҳоллари!» шиори остидаги халқ сайли ўтказилади.***

Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими бош бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маънавият тарғибот марказининг шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил қилинаётган бўлиб, унда ёшларнинг табиатни асраб-авайлашга қаратилган расмлар кўргазмаси, миллий ҳунармандчилик асарлари ва либослари намойиши, моҳир рассомлар томонидан маҳорат сабоқлари уюштирилиши режалаштирилган. Боғда дилларга баҳорий кайфият улашувчи гуллар сайли ҳамда нон сайли ўтказилади. Тадбир давомида шунингдек, намунали иш олиб бораётган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти билан танишиш мумкин бўлади. Боғда сайил иштирокчилари учун стол тенниси, шахмат-шашка каби спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашиш имконияти яратилади. Табиийки, сайилга келганлар миллий баҳорий таомларимиз сумалак, ҳалим ва ошдан тотиб, маданий-маънавий ҳордиқ чиқариб кетадилар.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, театр ва кино санъати намояндалари, эл суйган шоир-у ёзувчилар билан дилтортар суҳбатлар кўнгилларга зиё улашишига шубҳа йўқ. Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонларини баҳорий тадбирга чорлаб қоламиз.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

# «ДАМ ОЛИШ ДУНЁСИ»ГА МАРҲАБО

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 20 февралида қабул қилинган «Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Шаҳрисабзда улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, ҳудудни минтақамиздаги энг гўзал ва обод шаҳарга айлантириш кўзда тутилган. Шаҳрисабзнинг юртимиз ижтимоий ва маданий тараққиётидаги аҳамиятини янада ошириш, уни замонавий туризм марказига айлантириш мақсадида сайёҳлик иншоотларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, сайёҳликнинг транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишларни бажаришга киришилди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Дам олиш дунёси» сайёҳлик кўргазмасида Шаҳрисабз шаҳрининг туристик имкониятларига бағишланган экспозиция ҳам намойиш этилмоқда.

– Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташқи туризм билан бир қаторда ички туризмни ҳам изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида Шаҳрисабз шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтиришга, бу борадаги имкониятларни кенг ишга солишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳузуридаги Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси раиси Гулнора Одилова. – Шаҳрисабздаги Амир Темур майдони, Оқсарой мажмуаси, «Чорсу» бозори, «Дорус-саодат», «Дорут-тиловат», «Кўк гумбаз» каби ноёб тарихий обидалар, шунингдек, халқ ҳунармандлиги намуналари дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳларни бирдек мафтун этмоқда. Шаҳрисабзда ички туризмни ривожлантириш доирасида юртимизнинг турли ҳудудларидан кўплаб маҳаллий сайёҳларни қабул қиляпмиз ва улар учун махсус турлар ташкил қиляпмиз. Шунингдек, ҳамшаҳарларимиз учун ҳам Тошкент, Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларига, Фарғона водийсига саёҳатлар уюштирмоқдамиз.

Кўргазмада хорижнинг нуфузли халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидалар акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари фаолиятига оид маълумотлар билан танишмоқда.

«Дам олиш дунёси» барча замонавий йўналишларни ўзида мужассам этган. Хусусан, унда ички ва ташқи туризм, фаол ва саргузашт туризми, илмий ва соғломлаштириш туризми, сайёҳлик маъмуриятлари ва миллий офислар, туристик агентликлар ва туроператорлар, меҳмонхоналар, санаторий-курорт мажмуалари, дам олиш масканлари, транспорт ва суғурта компаниялари, он-лайн бронлаштириш тизимлари каби бўлимлар ишлаб турибди.

Ушбу халқаро сайёҳлик кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ички туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Икки кун давом этадиган кўргазма доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида чет эллик мутахассислар билан ўзаро фикр ва мулоҳаза алмашилади, ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади. Хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланади.

Кўргазманинг биринчи кунида «Гастрономик туризм – рақобатбардош маҳсулот омили» мавзусида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Гастрономик туризм пазандачилик билан боғлиқ барча туристик фаолият турлари, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компаниялар, гастрономик фестиваллар, озиқ-овқат ярмаркалари ва бу борада тажриба орттиришга хизмат қилувчи саёҳатлар мажмуидир. Конференцияда Ўзбекистонда гастрономик туризмни ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Кўргазманинг иккинчи кунида «Ипак йўли лаззати» миллий ошхона фестивали ўтказилади. Шунингдек, сайёҳлик фирма ва компанияларининг тақдимотлари бўлиб ўтади.

**Ирода УМАРОВА**

***Тошкент Давлат юридик университетида «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари устувор йўналишларидан бўлган жиноий-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштиришда ёш олимларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

**Анжуманлар**

# ЮРИДИК КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Маълумки, мустақил юртимизда кейинги йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш, малакали кадрларни етиштириш, мутахассислар салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжумандан ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал қонунларини такомиллаштириш бўйича таклифларни муҳокама қилиш, жиноят ҳуқуқий фанларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги ўрнини ва ривожланиш тенденциясини изоҳлаш, жиноят ҳуқуқий фанлар ривожи учун хизмат қилиши мумкин бўлган назариётчи олимлар ғоялари ва амалиёт вакиллари тажрибасига асосланиб, жиноят ҳуқуқий соҳаларни ҳам назарий, ҳам амалий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш каби бир қатор мақсадлар кўзланди.

Тадбирда сўз олган Тошкент Давлат юридик университети ректори Е. Каньязов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М. Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда юридик таълим тизими тубдан такомиллашиб, ҳуқуқшунослик фани янада ривожланаётгани, суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислоҳотлар, эришилган натижалар ва навбатдаги вазифалар, шунингдек, бугунги кунда юқори салоҳиятли, юрт тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган ёш мутахассисларни етиштириш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсиши учун имконият яратиб беришга қаратилган ҳамкорликдаги мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил июнь ойида қабул қилинган «Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Тошкент Давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилиб, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди. Бугунги кунда университетда барча шарт-шароитга эга замонавий ўқув ва моддий-техник база мавжуд бўлиб, ўқув, илмий-услубий бўлинмалар, кафедралар ўқитишнинг замонавий техник воситалари, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалар билан таъминланган.

— Мақсадимиз ижтимоий фаол ва ҳуқуқий йўналишда изланишлар олиб бораётган ёш олимларни қўллаб- қувватлаш, таклиф ва тавсияларидан қонун ижодкорлиги жараёнларида фойдаланиш, иқтидор ва интилишларини юзага чиқариш, кейинги ишларга рағбатлантиришдир, — дейди Тошкент Давлат юридик университети магистратура бўлими бошлиғи Истам Остонов. — Талабаларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш, жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорликни ҳис этадиган қилиб тарбиялашга асосий эътибор қаратилган. Ёш ҳуқуқшуносларнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид илмий изланишлар олиб бораётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Жорий йилда «Ёш олимлар» танловида улардан 140 нафари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, олимлар ва талабалар иштирок этган ушбу тадбирда ёш олимларнинг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида тизимли равишда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштирокини янада кенгайтириш учун ҳамкорликдаги фаолиятни давом эттиришга келишиб олинди. Шу билан бирга танлов иштирокчиларининг турли мавзулардаги маърузалари тингланиб, муҳокама этилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# ИЛМ-ФАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

***Тошкент ахборот технологиялари университети VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида қирқдан зиёд янги дастурий маҳсулот, лойиҳа ва қурилмаларни тақдим этади.***

Илм-фан ва техника тараққиёти ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг муҳим тармоғи бўлган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни янада ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда ҳаётимизни мураккаб электрон қурилмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг натижасида меҳнат бозорида дастурчиларга бўлган талаб тобора ортиб бораётир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳалар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 мартда қабул қилинган қарори ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, унга мувофиқ ахборот-технологиялари соҳасида кадрларни ўқитишнинг миллий дастур ва мезонлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Фарғона, Урганч, Самарқанд, Қарши ва Нукус шаҳарларидаги филиалларида 10 минг нафардан зиёд талаба саккиз бакалавриат йўналиши ва беш магистратура мутахассислиги бўйича таълим олмоқда. Бу ерда талабаларнинг зарур назарий ва амалий билим олиши, ижодий қобилиятини юзага чиқариши, илмий изланишлар олиб бориши учун барча шароит яратилган.

Университетнинг кенг ва ёруғ маъруза заллари, энг сўнгги техника билан жиҳозланган аудиториялари талабаларнинг замонавий дастурий маҳсулотларни пухта ўрганиши ва улардан унумли фойдаланишига ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, университетда рақамли телевидение, телекоммуникация ва маълумотларни узатишнинг оптик толали тизими, компьютер дастурлари ва тармоқлари бўйича кўплаб ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ва ўқув-лойиҳа лабораториялари, шунингдек, иқтидорли дастурчилар учун махсус лаборатория мавжуд. Бу ерда талабалар олган билимини амалда мустаҳкамлаш имкониятига эга, замонавий ускуналарда ишлашни ўрганмоқда. Жорий йилда олий ўқув юртида яна тўртта лаборатория ташкил этилади. Бу ўқув жараёнини янада такомиллаштириш ва талабаларни илмий-тадқиқот жараёнига кенг жалб этиш имконини беради.

Айни пайтда 100 нафарга яқин талаба 49 давлат гранти ва турли ташкилот ҳамда корхоналар билан тузилган 64 хўжалик шартномаси бўйича амалга оширилаётган амалий ва фундаментал тадқиқотларда иштирок этаётир.

Бунинг самарасида ўтган йили университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари турли дастурий маҳсулотлар учун йигирмата муаллифлик гувоҳномаси ва янги ихтиролар учун иккита патентга эга бўлди. VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида университетнинг ушбу ва бошқа илмий ишланмалари билан батафсил танишиш мумкин. «Linux» операцион тизимида ишлашга мўлжалланган мультимедиали ўқув комплекси ва Холтер услуби бўйича кунлик кардиограммани олиш мосламаси энг қизиқарли дастурий маҳсулотлардан биридир.

– Республика ярмаркасида иштирок этиб, ютуқларимизни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш имкониятига эга бўлаётганимиздан мамнунмиз, – дейди 3-босқич талабаси Темур Ҳайитов. – Масалан, мен ўз лойиҳам – «Linux» операцион тизимида ишлашга мўлжалланган мультимедиали ўқув комплексини намойиш этаман. Ушбу дастур амалда қўлланилмоқда ва тез орада университетимиз ўқув лабораторияларида ҳам жорий этилади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Олий таълим тизимида талаба, ёш олимларнинг илмий фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.***

Тадбирда вазирликнинг мутасадди вакиллари, олий таълим муассасалари проректор, профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар, илм-фан соҳасида ютуқларга эришган иқтидорли талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш, олий таълим тизимида таълим олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимлар билан ишлаш фаолиятини йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шу билан бирга Президент фармонлари ва бир қатор ҳукумат қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тадбир давомида мамлакатимиз олий таълим тизимида ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, илм-фан сифатини ошириш, ёш илмий-педагогик кадрлар заҳирасини тайёрлашга доир ташкилий, услубий, меъёрий масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида ОТМларда «Талабалар илмий-ижодий жамият»лари ва «Ёш олимлар кенгаши» ташкил этилгани ҳақида айтиб ўтилди. Фан, таълим ва амалиётни ишлаб чиқариш билан узвий равишда олиб боришда инновацион корпоратив ҳамкорликни самарали ташкил этиш учун олий таълим тизимида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида тузилган инновацион гуруҳларнинг ўрни катта. Бугунги кунда уларнинг сони 1740 тага етди.

— Ҳар қандай навниҳолни ривожлантириш учун маълум бир муҳит керак бўлади, — дейди Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Инновация ва интеграция илмий тадқиқотлар маркази» директори ўринбосари Фарҳод Раҳимов. — Агарда навниҳолни ёшларга қиёслайдиган бўлсак, уларнинг билим олиб, иқтидорларини намоён этишлари учун айнан шу муҳитнинг юртимиздаги олий таълим тизимида яратилганининг гувоҳи бўламиз. Олий таълим тизимида қилинган ишлар сарҳисобидан ҳам кўринадики, ёшларимизнинг тўлақонли билим олишлари албатта, эртага ўз натижасини беради, бир сўз билан айтганда улар жамиятимизнинг ишончли келажагига айланишади.

Анжуманда соҳа мутасаддилари томонидан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, диссертация тадқиқотлари сифатини, илмий-амалий аҳамиятини янада ошириш мақсадида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига кўра 2013 йилнинг 1 январидан фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Бундан ташқари халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар ихтисосликлари оптималлаштирилди, вазирлик тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 161 та ихтисослик бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтлари очилди.

Анжуманда журналистларнинг саволларига соҳа вакиллари томонидан жавоблар қайтарилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

